

ОСМОНИМИЗ МУСАФФО БЎЛСИН!



ЎШБҲ

СОИДА

**НАВОЙНИ
ЎРГАНАМИЗ**

2

**ОИЛАДА
МУҲАББАТ САБОҒИ
КЕРАКМИ?**

3

**ҲАММАНИ
БИТТАДА
БИЛДИМ**

4

**КЎЗАНИНГ
ЯНГИСИ
МАЪҚУЛ**

5

**МЕН ОСМОНМАН,
ЮЛДУЗИНИ
ЙЎҚОТТАН...**

6

**ЎҚИГАН КЕЛИН
ҚИДИРАЯПМИЗ**

7

ШЕЪРИЯТ

8

Мустақил мамлакатимиз ҳаётида оламшумул аҳамият касб этган, унинг ўчмас тарихида муқаддас гўша саналмиш Оила номи билан муҳрланган 1998 йил ҳам ортда қолди. Бир сўз билан айтганда, ўтган йил мазмун-моҳияти жиҳатидан жамиятнинг кичик ячейкаси, давлатнинг таянч устуни ҳисобланган оилани асраб-авайлашга, уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлашга, инсон қадр-қиммати ҳамда шаънини эъзозлашга қаратилди, десак муболаға бўлмайди. Бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолишига шак-шубҳа йўқ. Зеро, янги 1999 йилни АЁЛлар номи билан аталиши ҳам бежиз эмас. Бу том маънода олам сарвари саналган АЁЛга билдирилган юксак ҳурмат ва эҳтиром рамзидир. Шу боис ҳам халқимиз янги йилни ҳар қачон-қачондан кўтаринки кайфият ва баланд руҳ билан қарши олишди.

Мана бир ҳафтадирки, юртимизда байрам шукуҳи кезмокда. Айниқса, бугун пойтахтимизнинг Мустақиллик майдони ўзгача байрам либосига бурканган. Бу ерда одамлар гавжум. Улар орасида мезбонлар билан бир қаторда республикамизнинг турли вилоят, шаҳар ва туманларидан келган кишиларни ҳам учратиш мумкин.

— Мен ўзим Самарқанд вилояти, Каттакўрғон шаҳрида яшайман. Касбим — шифокор. Ўттиз йилдирки, поликлиникада ҳамширалик қиламан. Тошкентга қизим ва набираларимни байрам билан табриклаш учун келганман. Шу баҳона невараларим билан шаҳарни томоша қилиб юрибмиз. Бизга Мустақиллик майдонидаги томошалар манзур бўлмокда. Кўриб турганингиздек байрамона кайфиятдамыз, — дейди Ҳамротош Қиличева.

Шириндан-шакар учта набирасини етаклаб юрган яна бир онахонни гапга тутамиз.

— Аёллар йилида барча оилаларга сиҳат-саломатлик тилайман. Ҳар доим юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин, — дея тилак билдиради М. Авазова.

— Янги йилда бир ёшга улғайдим, — дейди сиз су-ратда кўраётган мана бу қизалоқ ҳам.

Ҳа, шу кунларда ким билан суҳбатлашманг, кириб келган янги йилдан янги-янги оруз-умидларни кутаётганлигига шўҳид бўламиз. Илоҳим, 1999 йил кутлуг келган бўлсин!

М. Мирсодиқов олган сурат

АЗИЗЛАР!

Донишмандлик фасли теранликлари билан яхшиликларга бош бўлаётган файзли онахонлар, иззатли отахонлар!

Фидойи меҳнатидан барака яратиб, ижодидан қадр топаётган опа-сингилларимиз ва оға-иниларимиз!

Мустақиллик Ўзбекистонимизга тенгсиз иқбол келтирди. Утаётган ҳар бир йилимизнинг ўз файзи, ўз ҳосияти бор.

1997 йил Инсон манфаатлари ҳимоясига бағишланди, 1998 йил эса Оила бахт-саодатини таъминлади, юксалаётган Ватанимиз учун яна бир мустаҳкам пиллапоё бўлди. Тадбиркорлик майдонимиз кенгайди. Ишбилгич деҳқонларимиз ернинг тилини топиб етиштирган ҳосили эртанги кун дастурхонимиз бўғдун ҳам тўкинроқ бўлишига умид уйғотди. Кашифётчи боғбонлар, кашфётчи ишчилар, алломаи замонлар — барча-барча соҳада изла-

АЗИЗ БОШИНГИЗГА ОМОНЛИК ТИЛАЙМАН

Дилбар **ГУЛОМОВА**, Ўзбекистон Республикаси Бош вазир ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси

ниш, янгилик борлиги одамларимизда кун сайин яшашга муҳаббат кучая бораётганини далиллаб турибди.

Эртасига ишонган одамлар гул экади, гулзор қилади, иморатлар куради. Ўртимизнинг қай гўшасига йўлимиз тушса, кураётган элга рубару келамиз. Боғчалар, мактаблар, шифо масканлари, гузарлар, никоҳ саройлари, дуконлар, бозорлар, кўприклар... Бу шунчаки орзу-хаваслар эмас, бу озодлик туфайли ўз қудратига иймон келтираётган буюк миллатликнинг намоён бўла боришидир. Бу янги куннинг ибтидосидир.

АЗИЗЛАР!

Инсон янги кунга фақат

қадам билан эмас, юрак, тафаккур билан юрганда йўли унади. Утган йилимизда имом ал-Бухорий, Аҳмад ал-Фарғоний каби улуг бобола-римизни ёдга олдик. Дунёнинг турт бурчидан меҳмон чорлаб, томиримиздаги қондай улкан хотира яшайганини кўз-қўзладик. Шу баробарида ўзимиз илдимизга га яқинроқ бордик, танидик, идрокимиз ёришди. Оила йили муносабати билан утказилган қатор тадбирларимиз ҳам катта шодияналарга ёш бўлиб, эл-улусни илҳомлангирди. Бу тадбирлар воситасида ўзбек хонадонлари ҳаётининг энг ибратли анъаналарига такрор ҳаёт ато этдик. Энг замонавий, шу билан миллий поклик, турғилик, ҳалолики тарғи-

бот қилгучи урфларимизни анъана даражасига кутардик.

Муҳтарам Президентимиз Янги йилимизни — АЁЛЛАР йили деб эълон қилдилар. Бу билан бизнинг салоҳиятимиз, шиддатимиз, меҳру муҳаббатимизга яна бир қарра ишонч билдирдилар. Биз жонсарақ бека, мардо-на она, қуюнчақ опа-сингил бўлиб, бу улкан ишончни оқлаймиз. Чунки бизнинг аёлларимиз миллат тақдирдаги мураккаб кунларда ҳеч қачон ўзини четга олмаган. Ҳамиша даъваткор, ҳамиша етакчи, ҳамиша фидокор бўлган. Ўртбошимиз йили бизнинг исмишимиз билан боғлар эканлар, бош эгаларимиз уғлонларимизга Аёлнинг жамиятдаги ўрнининг

бениҳоят баландлигига унинг ёлғиз меҳнатига эмас, ардоққа, эъзозга муносиблигига алоҳида ургу бердилар. Аёллари бахтиёр юрт-адолат салтанатидир. Бу ҳақиқат Аёллар йили муносабати билан тайёрланаётган Давлат дастуриимиз ижросида ўз исботини топади, насиб этса.

Одамзот истаги, мақсади ҳар доим имконидан изда юради. Етган нури бекатларимиздан етмаганимиз куп. Қанча чигал саволлар биздан аниқ жавоб кутмоқда. Фурсатларимиз синов, қўларимиз имтиҳон. Азиз бошингизга ана шу синов имтиҳонларидан ёруғ юз билан ўтишда омонлик тилайман. Чарчаманг. Озод яшамок, фарзандлар баркамоллигидан қувонмок мурооди Сизга куч берсин. Ҳар тонгни виждон осойишталиги билан қаршилаб, ҳар шомни эътиқод собиллиги билан қузатмок бахти барчамизга муяссар бўлсин!

НАВОЙНИ ЎРГАНАМИЗ

Беш ярим асрдан буён Туронзаминга порлоқ юлдуздек нур сочиб турган Алишер Навоий ҳазратларининг адабий мерослари бир, жаҳондир. Унда нафақат уша даврнинг, балки утмишдош алломаларининг ҳам ақлий ва ҳиссий камолоти узига ҳос тарзда жо бўлган ва камол топтирилганини кураимиз: шеърда — ғазалда дейсизми, дostonда — қасидаларда дейсизми, илмий-маърифий асарларда дейсизми — бу фазилатлар беқиёс бир поғонада акс этган.

Уларни ўрганиш, ўрганиш ва ўргатиш — биз учун фарздир. Бу борада катта изланишлар натижаси — тадқиқотлар яратилаётир... Биз ўз имкониятимиз даражасида ҳазрат Навоийнинг айрим асарларини тилга олиб, ўзлардан айрим парчаларни ушбу ғазалтаъзим саҳифаларида чоп этиб боришга жазм қилдик: шояд улуг мутафаккир (бобоимиз)нинг меросини ўрганишга оз бўлса-да ҳисса қўша оласк.

МАҲБУБ УЛ-ҚУЛУБ

Яъни. «ҚАЛБЛАР СЕВГИЛИСИ» деб аталмиш бу асар 1451 йилда

— донишманд умрининг сунгги санасида яратилган бўлиб, асосан панд-насихатлар ва ҳаётий хулосалардан иборатдир: бунда алломанинг яна шундай кузатишлари мавжудки, ўқиб ёқа ушлайсан: мутафаккир даҳо бизнинг бугунги, кунларимизни ҳам қуриб турганга ўхшайди.

Кишиларнинг аҳволи, феъл-атвори ва гап-сўзларининг аҳамияти ҳақида.

Одил подшоҳлар туғрисида. Адолатли подшоҳ ҳақ таолонинг ҳалолликка қўрсатган марҳаматидир; бундай шох мамлакат учун тинчлик ва фаровонлик сабабчиси... Камбағал ва бечора одамлар унинг яхши, мулоҳим муомаласидан роҳатда; эолим амалдор ва миршаблар унинг сиёсати тигидан қўрқувда... Куй-қўзилар бўри хавфидан омон; ёмонларнинг шафқатсизлигидан, йўлдаги мусофирлар йўлтусарлар ваҳимасидан эсон. Савдо қилиш учун тун бўйи дуконларда шам урмайди, олдчи-сотди қилувчилар кўча-

ларда безорилар дайдишидан қўрмайди... Одил шох шарофатидан кечалари турк аёлларининг аллалари тинмайди; болалар эса бемалол ошқ уйнашади. Кампирлар ип йигиршаркан, чарх овозига жур бўлиб, унинг ҳақиға дуо ўқийдилар; шоирлар унинг гузал сифатларини мадҳ этиб қасида ёзадилар...

Адолатпарвар шох халқни рози қилса, ҳақ-таоло шохдан рози бўлади.

Одил беклар — ҳокимлар — камбағал бечораларнинг паноҳи ва подшоҳ давлатининг хайрихоҳи; шохга бу дунё ҳақида чин сўз дегувчи ва охират ғамини егувчи... Унинг кунлида халқ молига таъма йўк; дунё йигишининг ҳаёли йўк. Муроди — аҳолининг тинч-омонлиги; мақсади — жамиятнинг равнақи...

Жоҳил ҳоким ва миршаблар — уғри ва каллақесарларнинг ҳимоячиси ва уларнинг умидини юзага чиқарувчилардир: бозор ва қимор-хоналардаги қиссовур ва қиморбоз-

ларнинг топган пулларидан чўтал оладилар; булар қўлига тушган айбдорларда умиддан кура қўрқув кўпроқ; ёмонлиқни ҳунар қилиб олган бу тадбиркорларга ушарлик қилишдан қўра таслим бўлиш яхшироқ...

Вазир — «визр» (гуноҳ) сўзидан келиб чиққанлиги. Бу ҳол унинг табиатиға жуда моъаза лойиқдир. Вазирликни гоътадониға қўйиб, бажарган Сулаймон паиғамбарнинг вазирин Осаф бўлиб, у ўз узуғига «Инсофли одамни худо раҳмат қилсин!» деб ёзиб қўйган экан. Уша Осаф дунёдан кетар чоғида инсофини ҳам ўзи билан бирга олиб кетди ва инсоф гавҳарини ноинсофлар орасида қолдирмади. Киши ўзини ҳар қанча ўргани билан, Осафини бу дунёда қайдан топади? Агар, дунё ахлидан бирон зотни Осафсифат дейилса, ишонингки, Сулаймон тахти тикланиб, Осаф тирилган бўлади.

Илоҳим шу гап рост бўлсин, шохлар эшиги бундай вазирлардан холи бўлмасин...

(Давоми бор)

Ш. ХОЛМИРЗАЕВ тайёрлади

ҲАМИША ДОЛЗАР ТАДБИР

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига кура 1998 йил ноябрь-декабрь ойлари давомида ёнгин хавфсизлиги ойлиги ўтказилди. Ушбу фармойишни ҳаётга тадбиқ этиш мақсадида аҳоли яшаш уйлари ва ишлаб чиқариш корхоналарида ёнгинга қарши бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Бу борада Республикаимизда фаолият қўрсатаётган ута муҳим корхоналарни муҳофаза қилувчи Ўзбекистон Республикаси ИИБ 1-ЁСБ томонидан амалга оширилган ишлар ибратлидир. Жумладан Навоий тоғ-металлургия комбинатиға қарашли марказий ва шимолғий руда бошқармаларида бу ишлар ижобий ҳал қилинди. Натижада ушбу бошқармалар орқали ҳарбийлаштирилган ўт ўчириш қисмлари ва корхоналар учун 4 минг 650 метр ўт ўчириш ёнғлари, 1000 дондан ортиқ таъмирлаш эҳтиёт қисмлари ва турли русумдаги ўт ўчиргичлар сотиб олинди, фойдаланиш учун цех ва бўлимларга тарқатилди. Ёнгин хавфсизлиги ойлиги ўтказиш даврида «Кокплатас» қурилиш майдонидан ёнгинга қарши ҳажми 1500 куб метрли сув ҳавзаси ва аҳоли яшаш пунктида диаметри 315 мм бўлган ҳужалик сув тармоғи «Оқ-Байтал» фойдаланишга топширилди.

Бироқ ижобий ишлар билан бир қаторда

айрим камчилик ва нуқсонларга ҳам йўл қўйилди. Хусусан, Зарафшон қурилиш бошқармаси, 5-руда бошқарма ва «Агама» фабрикаси ўз имкониятларидан тула фойдалана олмадилар. Ёнгин хавфсизлиги ойлигидан келиб чиқадиган тадбирлари бажаришга Марказий руда бошқармасига қарашли тайёрагоҳ, «Поток» номли артель ва бошқа ташкилотларда етарлича эътибор берилмади.

Шунингдек, ёнгинга қарши қоидалар талабларини бажармаганлиги ва бузганлиги учун ёнгин хавфсизлиги ойлиги давомида 308 мансабдор шахсга маъмурий жараима солинди. Ёнгин чиқиш хавфи бўлган 6 та цех ва бионининг иш фаолияти вақтинча тўхтатилди. 508 та носоз электр ускуна ва иситиш асбобларидан фойдаланиш таъқиқланди.

Ўйлашимизки, ёнгин хавфсизлиги ойлиги келгусида оммавий тус олади. Сузасиз бу ишда ҳар бир фуқаро, корхоналар раҳбарлари ва ишчи-хизматчилари фаол қатнашадилар. Гарчи ёнгин хавфсизлиги ойлиги якунланса-да, аммо, ёнгинга қарши кураш ҳар доим давом этаверади.

А. Қўлдошев,

Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЁСБ бошлигининг биринчи муовини, ички хизмат подполковниги

Хушхабар

УЧ ЭГИЗАК ТУҒИЛАДИ

Қадим-қадимдан хонадонларда фарзанд дунёга келган кун катта қувончларга сабаб бўлган. Чақалоқнинг маъсум «инга-си эшитилган оила обод бўлиб, файзу тароват, бахт нурлари билан йўғрилган. Бу оилаға қариндош-уруғлар томонидан турли совға-саломлар инъом этилган.

Жомбой туманидаги «Самарқанд» жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи муаллимлар Зиёбой ва Гулбаҳор Баҳодировлар хонадонда утаётган «Оила» йилнинг сунгги кунларига ажойиб воқеа юз берди. Оилада бирданига уч эгизак туғилди.

Ота-онаси-ю, бобо-момоларнинг кўнглини бир олам севинча тўлдириб пахлавондек уч уғлон дунёга келди. Уларға Ҳасан, Ҳусан ва Турсунжон деб исм қўйилар.

Туман ҳокимлиги ва Хотин-қизлар қўмитаси бу бахтли оилани қўшалок фарзандларга табриклаб турли совға-саломлар ва уч уғажжи болалар-аравачасини тақдим этди.

Уч эгизак туғилган Баҳодировлар оиле-ларига қўрсатилган ғамхўрликлар учун тумани ҳокимлигиға ташаккур билдирди.

Ўз мухт

Тарбия соати

Ковушавтган икки ёшнинг никоҳ туйларига уларни бахт кечаси, висол оқшони билан қўлаймиз. Демак бу қовушши аслида икки севишганининг висолга етган кўни, ошқ ва маъшуқларнинг бахти кулган кўн. Аслида ҳам шундайми? Оила қураётганлар бир-бирларини севадиларми, бир-бирларига интилиб, кўрмасалар соғинадиларми? Оила муҳаббат асосида қуриладими? Аслида бу икки ёш муҳаббат неллигини, бу дарднинг ширин изтироби-ю, ачиқ аламини биладиларми? Висол бахтини, ҳижрон машаққатини юракдан ҳис қила оладиларми? Уларга бу ҳақда сабоқ берилганми?

Ҳа, бизнинг ўзбекона оилаларда бундай сабоқ ҳақида гапирмасликка ҳаракат қиладилар. «Хали вақти бор буни, каттароқ бўлин», — дея фарзандлар катта бўлгунча, ҳатто туй кўни белгиланиб бўлгандан кейин ҳам бу сабоқни ҳеч ким эсламайди.

Қиз болага ёшлигидан яхши ниятлар билан сеп йиғилади. «Кизинг туши бешикка, молинг ташла тешикка», қабилидаги халқ сўзи ҳам шу ҳаракатни қўлайди. Демак, бўлажак оиланинг моддий жиҳози учун 15-18 йил тайёрланилади, бироқ ушбу оиланинг устивори, таянчи бўлган муҳаббатга эса эътибор берилмайди. Балки, бу ҳақда гапирганларни «хаёсиз экан» — дея баҳолашади. Аслида ҳаё билан муҳаббат чамбарчас боғланган-ку. Ахир ҳадисда ҳам «Вафосизда ҳаё йўқ, ҳаёсизда вафо йўқ», — дейилган. Муҳаббат бўлмаса, вафо қайдан бўлсин. Бундан чиқадими, аслида муҳаббат бўлмаган жойда ҳаё ҳам бўлмайди.

Мана шу ерда қатор оилаларнинг ажралиб кетишлари сабаби маълум бўлаяпти. Фақат моддий асосгагина қурилган оила мустаҳкам бўлмайди. Оиланинг руҳий асоси ҳам бўлиши керак. Руҳий асос муҳаббатдир.

Ҳаётда биз ота-оналар фарзандларимизга муҳаббатдан сабоқ бермасак-да, тангрининг ўзи қалб-

ларга муҳаббат уруғин жойлаган. Бу уруғ умрининг эрта баҳорида ниш уриб қимларнидир шоир қилса, қимларнидир қушиқчи, қимларнидир мўйқалам соҳибига айлантиради. Фарзандларимизнинг қарашларида, юришларида, қулишларида, ҳатто кийинишларида қувноқлик, талабчанлик, кутаринки кайфият ҳукм суради. Шундай пайтда биз ота-оналар фарзандларга сирдош дўст бўлиб, баҳорий шодликларига шерик бў-

ки Кумушни сева олган, севгисига содиқ бўлган Отабек шу Кумуш яшайдиган ўйни ҳимоя қилиш учун уч қишига қарши жанг қила олади ва керак бўлса Кумуш яшавтган юртни ҳимоя қилиш учун ўз жонидан ҳам кечар эди. Демак, биз қатор йиллар таъкидлаб келгандек, ватанпарварлик туйғуси байналминалчиликдан кейин эмас, балки муҳаббатдан сўнг бошланар экан. Дилида висол лаззати-ю, ҳижрон соғинчи

ро муомала қилганда фарзандларни эркалаб, улуғлаб қақиринг, қарғиш, сўкиш сузларини умуман эсдан чиқариб юборинг. Мана шундай хонадонингизда севиғи қуёши порлаб, лабингиздан табассум аримайди.

Биз муҳаббатни вафога, вафонинг ҳаёга боғлиқлигини қайд этдик. Бу муҳаббатни шарқона ифодалаш эди. Ахир муҳаббатнинг фарбча талқини ҳам бор. Биз Ромео ва Жульетта ҳақида, Татьяна ва Онегинлар ҳақида бирор сўз айтмадик. Чунки уларнинг муҳаббатига ўзаро эркалашлар андак беҳаё шаклда, ошкор тарзда намоен бўладиким, бизнинг масъум юракларимизга андак ўрнашмайди, дилимизнинг ранжишига сабаб бўлади. Баъзи ота-оталар муҳаббат ҳақида гап кетиши билан фарбча ҳаракатларини, Ҳиндистондаги чангда қолган гулли халёларига келтиришади. Йўқ! Минг қарра йўқ! Биз олқишлавтган, қайд эътиётган муҳаббат Алишер ва Гулиларнинг пок севгисидир. Йўқли ва Гулнорларнинг ушмалмаган орузисидир, маркрга қурбон бўлган Лайли ва Махжунларнинг аҳд-вафосидир.

Биз фарзандларимизга муҳаббат билан ҳаваснинг фарқига боришни ургатайлик. Шунда улар алданиб ҳам қолмайдилар, бир умр муҳаббатга ишонмасдан, муҳаббатдан ҳадиксираб ҳам яшамайдилар. Муҳаббат — бу Қуёш. Фарзандларни Қуёшга тик қарашга, қўзни яширмасликка ва Қуёш меҳрига қонмоқликка ургатайлик. Дилида пок муҳаббат бўлган Инсон ҳамма нарсга завоқ билан қарайди, ўтмишидан шодланиб, келажакка талпинади. Юрагида армон эмас, балки Умид, Ишонч тўла бўлади. Бу эса ҳақиқий маънода Бахтдир. Ана шундан сўнг бизлар қалбига муҳаббатдан яралган Бахт хайкалини ўрнатмоқлик дунёдаги жами улугвор ишларимиз-у, жами хайкаллардан ортиқроқдир.

Ҳамдам ТҮЙЧИЕВ

ОИЛАДА МУҲАББАТ САБОҒИ КЕРАКМИ?

сак, бир умр муҳаббат билан яшаб утадилар. Акс ҳолда ё лоқайд, ё худбин кимсага айланадилар. Севги — бизларга яшашда осон бўлиши учун, яшаш қизиқарли бўлиши учун берилган илоҳий неъматдир. «Севги сабоғини, муҳаббат дарсини қайси ёшдан бошлаб бериш керак?» — деган савол беришингиз мумкин. Қанча эрта бўлса, шунча яхши. Ахир айтилаётган аллада ҳам ҳаётга бўлган муҳаббат мавж уради. Биринчи ўқилган эртақда ҳам малика билан шаҳзоданинг муҳаббати қўйлаиб, севишганлар ҳаёт тўсиқларини энгиб мурод-мақсадларига етадилар. Сўнгра адабиёт дарсларида Тохир ва Зухра, Лайли ва Махжун, кейинроқ Отабек ва Кумушларнинг муҳаббатлари ҳақида иншо ёзадилар. Муҳаббатга қаршилик қилганлар қораланади. Демак, муҳаббатдан сабоқ бериш учун ёш танланмайди, балки ёшига мос услуб танланади.

Муҳаббат билан оила қурганлар ғирром яшамайдилар. Шиорлари ҳалоллик, вафо бўлади. Демак, ҳақиқий ота, ҳақиқий она бўладилар. Муҳаббатсиз қурилган оилани парчалаб ташлаш учун «ҳарактер»ларнинг тўғри келмаслиги кифоя қилади. Айни пайтда юрагида муҳаббат ўти ёнган йигит-қизларгина юрти, эли учун ёнишга қурбон етади. Чун-

бўлмаган йигит ёки қиз Ватанни ҳам азиз билмайди. Чунки Ватан оиладан бошланади. Оила-муҳаббатсиз, моддий асосга қурилган. Энди у Ватан ҳимояси учун ҳам яроқсизлигининг асосини моддий ҳолатдан кидиради. Аслида бундай ўйлашни ўзидан, яъни «Ватанни ҳимоя қилишга яроқсизман», дейишдан ўйлиш керак эди. Лекин у ўйламайди. Чунки унда муҳаббат бўлмаганлигидан ҳаё ҳам, уят ҳам йўқ.

Оилада муҳаббат сабоғи кичик қўшчаларга меҳрибончиликдан, мушукчаларга ғамхўрлик қилишдан бошланади. Ариқ бўйида ўсган бинафша, бойчечакларни эъзозлашдан, муҳаббат қувват олади. Сўнгра эртақлар, қушиқлар мазмунини чиройли услубда тушунтирилади ва ниҳоят Кумуш, Отабеклар ҳақидаги иншо дилдан, «шаргалка»сиз ёзишга ургатайлади. Ана шунда биз қизларимиз неча ҳинд актрисаларининг суратларини йиғиб юришлари-ю, эсдалик альбомлари тутишлари-ни тушунамиз. Ота бўлсангиз ҳам қизингизга ҳиндча суратдан совға қилинг, яхши томошаларга олиб тушинг. Фарзандлар тақлидчи бўладилар. Курачиси, фарзандларингиз энг аввал сизга — ота-онасига меҳрибон бўлишда, сўнгра ўзаро ахил, иноқ бўлишда. Бу эса барчамизни ютуғимиздир. Оилада ўза-

САВОБ ИЗЛАГАН ИНСОН

Қишлоғимиз чеккасида Усмон тепа деб аталадиган жой бор. Ҳозир бу ер гузал бог-роғларга айлан-тирилган. Бог Эргаш бобо Холбоев номи билан бог-лик. Бу бежиз эмас, албатта. Раҳматлик Эргаш бобо бутун умри давомида элим деб, юртим деб яшадди.

У киши Президентимизнинг «Қишлоқларимизни обод қилайлик, юртимизни обод қилайлик, юртимизни бог-роғларга айлантирайлик», — деган улуг даъватларга биринчилардан бўлиб «лаббай» деб жавоб айтганлардан эди. Шу мақсадга ғайрат қамарини белгига бог-лаб, енг шимариб ишга киришди. Бир пайтлар ташландик, қаровсиз ва ахлат уюмларига қумилиб ётган Усмон тепа урнида бог барпо этди. Кейинчалик давлат хужалиги маъмурияти томонидан бу бог ким ошди савдосига қўйилди. Чорасиз қолган Эргаш бобо қарз ҳисобида уни сотиб олишга мажбур бўлди. Шундай бўлишга қарамай у богда пишган меваларнинг олдини болалар богчаси, касалхоналарга бепул тарқатди, ортаганини бозорга олиб чиқиб сотди.

— Раҳматлик Эргаш бобо ана шундай савоб из-



лаган жаннати инсон эди, — дейди қишлоқ қарияларидан бири, нафақахўр Маннопхон бува Усмонов. — У халқ манфаатини ҳамма нар-

Яхшилардан сўз очдик

садан устун қуярди, сира тиниб-тинчимасди. Бир қарасанг, бузилган кўприкни созлаётган, бир қарасанг, мачит қурилишида бўлади. Ишқилиб, эл-улуснинг ташвишидан ортмасди. Ҳатто у кишини узининг томорқасидаги теракларини кесиб мачит қурдиригана гувоҳ бўлганман.

Эргаш бобо Холбоев Оққўрғон туманидаги Оққўр-

ғон бирлашмаси 5-бўлими ҳудудида жойлашган «База» қишлоғида яшаб ўтди. Ҳозир бу қишлоқнинг номи ўзгарган, «Дехқонобод» бўлган. Лекин қишлоққа киришда ҳам, чиқишда ҳам бирор белги ёки ёзув бўлмагани боис, қўпчилик уни яхши билмайди. Қолаверса, инсон қадр-қиммати, обрў-эътибори унинг вафотидан кейин ҳам сақланиб қолиши керак. Айниқса, Эргаш бобо Холбоевга ўхшаган фидойи инсонлар номига абадийлаштирилса яхши бўлади.

— Эргаш бобо Холбоев номини абадийлаштириш мақсадида у кишини билган, таниган инсонлар иштирокида умумий йиғин ўтказмоқчимиз. Албатта, у кишининг ўзлари яшаган қишлоқни «Эргашобод» деб аталиши ҳамда тумандаги 47-урта мактабини Эргаш Холбоев деб номланишида ўз савий-ҳаракатларимизни аямаймиз, — деди «Дустлик» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси А. Қурбанов.

Ҳа, эзгуликнинг, савоб ишининг умри узун бўлади. Эргаш бобо улғиролмаган ишларни бутун унинг зурриётлари давом эттирмоқда. Пардабой, Бувиносхон, Фаридхон, Онарбойлар отадан қолган боғни яшнатиб-гулла-тишмоқда.

Ўринбой УМИРЗОҚОВ,
Оққўрғон тумани

АРМОНЛИ ДУНЁ...


ХОТИРА

Хато қилсам, қўл
силтаб қў-ю,
Сибирларда
бермагил жазо.
Сен шу қадар
муқаддас, мангу,
Мен — беш кунлик
меҳмонман дунё.
Равшан ФАЙЗ

Халқимизда «Яратганнинг Ўзи қаторингдан кам қилмасин», — деган нақл бор. Лекин энди қаторимизда у йўқ. Дустлари даврасида шеър ўқимайди, фарзандларини суйиб эркаламайди.

Фақат бизга қолдирган шеърларини ўқиб, қузларимизда беихтиёр ёш қалқийди. Уни бешафқат улим орамиздан жуда эрта, айни ижодининг гуллаган палласида олиб кетди.

Шоир Равшан Файз оқибатли дўст, меҳрибон ота, истеъдодли шоир, самимий инсон эди. Биз Равшан билан курсдош дўст эдик. У курсдошларига қулидан келганча ёрдам берарди, ҳаммани ҳурмат қиларди. Инсон ўзи шунақа, ҳаётлигида бир-бирини қадрига етмайди, аммо бир кун келиб ортга назар ташласа,



дустларини, яхши инсонларни йўқотганини куради, аммо кеч. Бу унга армон бўлиб қолади. Дунё ўзи армонли экан.

Агар Равшан ҳаёт бўлганда бугун 40 ёшга тўларди. Аммо фарзандларининг камолини қурмай, дустлари даврасида яйрамай кетди. Унинг қанча-қанча юрак сирлари, армонлари, шодликлари ёзилмай қолди. Мен бир кун келиб у ҳақда хотиралар ёзаман деб сира ўйламаган эдим. Начора, бу ҳам бўлса тақдир ҳукми. Армонли дунё...

Аллоҳ унинг умрини фарзандларига қўшиб берсин. Охирати обод бўлсин. Аллоҳ раҳмат қилсин.

Дилором ЙЎЛДОШЕВА,
Тошкент

ҲАММАНИ БИТТАДА БИЛДИМ

Эсдан чиқмас суҳбатлар

Узоқ йул. Поезд қарсиллаб, гурсиллаб чопса-да, ичида кетаётган одамга имиллаётгандек туюлади. Эрмак излайди. Эрмак ҳам ҳадеганда топилавермади. Китоб ўқий десам, чироқ хирароқ экан. Йулдошим саволларимга қисқа-қисқа жавоб берди, афтидан гап-сўзга ҳуши йўқроқ эди.

— На деразаси очилади, на ёруғлик бор, бандидек кетар эканмиз-да, — деб мингирладим ўз-ўзимга гапиргандек.

Йулдошим сескангандай бўлди:

— Ундай деманг, сингилжон. Худойим душманингизнинг душманигаям бандиликни қисмат этмасин!

«Нечун, нега?»

Хуллас, мен аёлни гапиртирдим.

— Беайб парвардигор, эримнинг озми-кўпми гунҳои бордир, нима бўлган-даям беш-олти кишига бош эди. Аммо улар қўйган айб — уюштирилганлигини ҳам аниқ билардим. Эримнинг ўрни керак эди бировларга... Йулдошимнинг

овози титрай бошлади. Тухтатишга уриндим.

— Йўқ, қўяверинг, ҳозир бу кайфият утиб кетади. Ахир, мен Сизга ёруғликка чиққанимиздан сўнг гапириб утирибман-ку. Хўжайиним судда оқланди.

Мен «Хайрият, адолат бор экан» демоқчи эдим, хайрият деганимча қолавердим, аёл гапиртирмади.

— Аммо у киши оқлангунча мен жуда кўп нарсани билди олдим. Хўжайинимнинг ошқозонларида яралари бор эди, касаллик тарихидан кучирма олиб келиб берсангиз, шифокорлар назоратидаги жойга утказишди, дейишди. Олиб бориб бердим, аммо ҳеч қандай ўзгариши бўлмади. Бировлар: «Опа, ҳозир адолат бор, ёзаверинг, ёзинг, гуноҳсизлигини, албатта, исбот қиласиз», — дейди.

Одам ҳаммага қўзинг термудадиган бўлиб қоларкан. Ёза бошладим. Турли идоралар эшигини тақиллатдим, очилганим бўлди, очилганим. Панжара ортидан хўжайинимдан келаётган хабарларни эшитган

сайин югура бошладим.

Худойим бандасининг бошига оғир кунларни синов учун солади, дегани рост экан. Шу синов менга кимнинг ким эканлигини ҳам кўрсатди. Янги турмуш курган пайтларимиздаёқ қайноғам уйимизни булаклаган эди. «Етимлигини билдирмай, укамни уйладим, акалик қарзимни бажардим, энди аравасини ўзи тортсин», — деган экан. Қанча йиллар ижара уйда турганмиз. Оғирроқман. Ўзимиз бировникида яшаймиз-у хўжайиним бир эр-хотинни бошлаб келди, икковиям иш излаб юрган экан, ҳамқишлоқлари. Уч ойларча битта хўжайинимнинг қўлига қараб ўтирдик. «Нени обкелсалар шуни еймиз», деб.

Тақдир экан, ўша йигит бугун кутарилиб кетди.

Қийин кунимда ўша эсимга тушди. Ўғлимни юбордим. «Биттагина кўнғироқ қилиб, шу ишни адолатли ҳал қилинлар, деб қўйса бўлди. Бошқа ҳеч гап керакмас», дедим». Воқеадан хабари бўлса керакки, ўғлимни қабул қилмабди. Бунақа

«нон дўст»ларнинг қанчасини кўрдик. Охири эримдан хат чиқди:

«Сен ўзингдан бошқа бировдан кўмак кутма бундай пайтда!» дебдилар.

Аммо худойлигини айтганда, етти ёт бегоналардан яхшиликлар кўрдим. Кимиси имконидаги ёрдамни аямади, кимиси ширин сўзини... Беш қўл баробар эмас экан.

Худоданми, бандаданми — қўйилган айблар тасдиқланмади. Хўжайиним уйга қайтгач, беш-олти ой даволаниб, мана энди сал ўзига келиб қолди. Ҳеч кимдан гинамиз йўқ. Фақат ичимизда нимадир сингандай бўлди.

...Мен уни гапга солганимдан пушаймон бўлдим. Умуман, одамнинг ярасини янгилаш, яшаганини қайта яшартириш яхши эмас. Аёлни бу ҳолатдан олиб чиқиб кетиш учун бор маҳоратимни ишга солдим, латифа айтдим, талабалигимдаги қўлғили воқеаларни гапириб бердим. Аёлнинг лаблари жилмайса-да, кўзларида мунг тураверди:

— Биров-бировни итариб юбориши шу қадар осон экан-у, ҳимоя қилиши жуда мушкул экан. — Хайрлашаётиб у менга шундай деди. Мен унга ҳеч нарсая дея олмадим, елкасини беозоргина қучиб қўйдим, холос.

ҚУТЛИБЕКА



Қорга бурканган арчалар бунчалар фусункор-а?

Ҳаммаси тўйдан кейин бошланди. Маҳаллага келин бўлиб тушган Нигора қизлик уйига тез-тез келиб турар, дард-ҳасратларини онасининг «қудуқ» юрагига ағдариб кетарди. Она бечора қизининг бу хунаридан келинлари олдида мул-заамлиб ерга киргудек бўларди. Буям етмаганидек, сал умай уним йўқ, буним йўқ, деб эри билан жанжаллашиб келадиган одат чиқарди.

Бошда Маҳкам хола қизининг ҳар келишида тишининг ковагида асраб юрган пулларини бериб юрди-ю, охири бўлмади, чунки бу каби чой пули унинг «битмас-туганмас» қамларига урвоқ бўлмасди. У ҳар сафар «Ойи ану зирак, узук мода бўлибди-я, қўёвингиз олиб бермапти, кеча яна уришиб қолганмиз... Ойи кўрдингизми, Туркиянинг янги чиққан костюм-юбкасини, зур экан-у, уф-ф... эринг кўрумсоқ бўлганидан кейин», — дея веришдан чарчамас, охир-оқибатда Маҳкам хола ҳатто ўз ўғилларидан ҳам фақат қизи Нигора учун пул сурайверишдан истиҳола қиладиган бўлиб қолганди. Чунки бу хонадондаги келинлик Нигорага ўшаб «Мода»нинг кетидан қувишмас, бунга эрлари ҳам йўл бермасди.

Кимнингдир маслаҳати бўлибми, қизига бўлган беқиёс меҳри сабаблими, охириги икки-уч йил ичида она эртадан кечгача бекатда писта, қўрт сотиб утирарди.

Энди Нигора кунда кун ора бекатга келиб ўз ҳасратларини очадиган, онасининг писта сотиб «тахлаб» қўядиган пулини осонгина олиб кетадиган бўлган эди. Шу билан она қизининг сир-асрори, дарди-дунёсини келинлари эшитиб қолишдан, ўғилларидан ҳадеб пул

сурайвериш балосидан қутулгандек эди. Лекин, Нигора ўзининг бу киши сезмас «тўймас»лиги бир кун келиб онасига қимматга тушиши мумкинлигини ўйламас, аниқроғи ўйлашни истамасди. Онаизор эса фарзандининг ойласи билан тинч-тотув яшаб кетиши учун пул тўғул жонини ҳам беришга тайёр эди. Шундай бўлди. Изгиринли қўз кунларининг бирида она ўзини совуққа олдириб қўйди...

МЕҲРСИЗЛИК ҚУРБОНИ

Мана онасининг вафотига ҳам бир ойча бўлиб қолди. Келган-кетганларнинг оғи узилди. Нигоранинг эса ичига чироқ ёқса ёришмайди. Нимасинидир йўқотган одамдай типирчилайди, қалбини исмсиз бир дард кемирарди. Нимадир уни шу бекат томон судрарди. Бекатга келган Нигора бир нуқтага тикилганча тошдай қотиб қолди. Қўзларидан соғинч ва армон ёшлари қўйилиб кела бошлади.

— Сизни жуда-жуда соғиндим, онажон! Қани энди ҳаёт орқага қайтсаю, қўзимни боғлаб қўйган, мен сажда қилган ўша қимматбаҳо тақинчоқларимнинг барча-барчасини сизнинг бирпаслик дийдорингизга алишсаму, тўйиб-тўйиб бағримга боссам, қайноқ меҳрингизни тўйсам. Агар кечира олсангиз, сизни иссиқ уйингиздан совуқ тахта ўриндиққа михлаб қўйган қизингизни кечиринг, онажон!

Бекатда юм-юм йиғлаётган Нигора атрофдагилар ачиниши, ту-

шунисиз бир кайфиятда қарар, баъзилар нега йиғлаясиз, деб ёнига яқинлашгиси келарди-ю, ботиноаолмасди...

Ҳар тўйга янги қимматбаҳо қўйлак кийишга одатланган Нигора одатдагидай аввал эрини эритмоқчи бўлди. Уддасидан чиқолмади шекилли, онасининг олдида югурди.

— Қўёвингиз билан уришиб қолдим, — салом-алиқдан кейин қўз ёш қилди Нигора.

— Нима бўлди. — саросимага тушди она.

— Эй биласизку зикналигини. Зулпини тўйига ҳозир урф бўлган кофта-юбка борку, шундан олиб беринг, дегандим: «Шарт эмас, бори ни киявер, кўрпангга қараб оёқ узат», деди. Жаҳлим чиқди. «Бу курпа ўлгурнинг катталигидан бирон марта оёқни узата олмаймизми, ўзи хасисликларинг билан маҳаллага бекорга танилмаган экансизлар-да», — деб чиқиб келавердим. Орқамдан сўкиниб қолди, қонинг келгур.

Маҳкам холанинг ичидан бир нима узилгандай бўлди. — Вой Нигор, бу нима деганинг, болам, ахир бу гапинг эрининг хамиятига тегадику. Қўй, жанжал қилма, уят бўлади. Майли, шу қўйлакка пулни мен бераман, неча пул туради ўзи?

— Ун минг сўм.

— Мана ҳозир, ҳозир, — она чўнтақларини қавлаб кетди. Шу пайт мактабда танаффус бўлди, писта-қўрт сураб кетма-кет болалар кела

Турмуш сабоқлари

бошлади. Нигоранинг жаҳли чиқди: — Була қолинг, ойи, тагин битта-яримта танишим куриб писта сотиб утирибди, деб уйламасин... — деди зарда қилиб.

Она қўлидаги саналган пулни қизига узатди. Маҳкам хола невараларининг дуойи жонини қила-қила қизининг орқасидан узоқ қараб қолди...

Ўша кун Нигора онасини охириги марта кураётганини хаёлига келтирмаган бўлса-да, ўрнидан тураётганида белини зўрга кутарганини сезганди.

Шунчалик дийдам қотиб кетган экан-а. Ахир онамни касал эканлигини била туриб бекатда ёлғиз қолдириб кетдим-а? Аслида онам бу бекатда мен учун утирмасмиди? Нега лоақал беморлигида қўнига ярамадим. Қўлларидан ушлаб уйга олиб кетмадим. Бир пиёла иссиқ чой узатиб қўнғилини олмадим. Нега ўша кун дўхтирга олиб бормадим? Нимага ўзи ишлаб топган пулини лоақал бирор марта ўзи учун ҳам сарфлашига имкон бермадим. Ахир ўзим кечкисиз меҳр таъма қилдим, Онам эса «меҳрсизлик қурбони» бўлди. Нега... нега... Қалбда уйонган виждон саволлари қўйилиб келаверар, лекин жавоб...

Онасининг улимидан кейин қалби бум-бум бўлиб хувиллаб қолган Нигора ҳаётнинг бир фалсафасини—инсонни-инсон қавмида тутиб турадиган азиз тўйгу бу меҳр эканлигини, ана шу меҳр бу дунёни ушлаб туришини, унингсиз одамлар ваҳшийлик ва фожеалар гирдобига қолиб кетиши мумкинлигини кеч бўлса-да англаб етгандек эди.

Нафиса РАЙИМ қизи

ФАРЗАНДЛАР ЮЗИ ЕРГА ҚАРАМАСИН

«ШОЯДКИ, ОТАМ ИНСОФГА КЕЛСА» 45 — сон

Бу хатни ўқиб негадир жуда ҳам таъсирландим, кўз олдима кекса онаизор азобларини келтирдим. Аллоҳ берган бу синовли дунёда бекорга айтилмаган, қариган чоғингизда роҳатда яшанг, болалар роҳатини кўринг деб, шунча йил бирга яшаб, бир ёшққа бош қўйган инсон қариган чоғида рашк ўтига учраса бундан ёмони йўқ. Отангиз рўзнома ва ойномаларни ўқишни яхши курсалар менимча ўқимишли, тушунган, сабрли, тоқатли, ҳаётга ҳам енгил қарамайдиган, етти улчаб бир кесадаган инсон бўлишлари керак. Бир кун жанжал, тўполон бўлган уйда қирқ кун барака қочади. Қариган чоғда безовталиқдан, бесаранжомликдан Яратган Эгамнинг ўзи асрасин.

Хурматли Онажон, аввало сизга сабр-тоқат тилайман. Агар сизни турмуш ўртоғингиз тушунишни хоҳламасалар, керак бўлса фарзандларингизни тўплаб шу можарога, рашкка

урин йўқлигини исботлаб бериш мумкин-ку. Бизнинг ўзбек аёлларимиз, онажонларимиз узини сабр-бардошлиги билан ажралиб туради-ку — оилам, болаларим деб. Уйда тенглик, хотиржамлик бўлса ўғил-қизларингиз ҳам кўнгли тинч, хотиржам, ишлари унумли бўлади. Уйда тинчи йўқнинг ишида ҳам унуми йўқ. Буни биз ёшлардан кўра, Сиз кексалар яхши биласиз. Ҳаммаси Отажон, Онажон сизларнинг қўлингизда. Оилангиз тинч, хотиржам яшашини хоҳласангиз биргаликда аҳил-иноқ яшаб, қарилик гаштини суриб ибрат бўлишингиз керак.

Катталар ҳаммиса кўприк эканлигини унутманглар. Фарзандларингиз бошларини эгиб эмас, балки мағрур кўтариб юришсин, фахрланишсин шундай Отажон ва Онажонлари борлиги учун.

Сизларга ҳурмат билан:

Дилором УМАРОВА

СИНГЛИМ, СЕНГА АЙТАР СЎЗИМ БОР...

«Қайси тарафдасиз, одамлар?» 40-сон

Бу мақолани ўқиб, ҳузур-халоватим йўқолди, оромим кабутардай учди-кетди.

Қуриб қурмасликка, эшитиб эшитмасликка олишни узимга эл қурмай ўз фикрларимни ихзор этишни лозим деб билдим.

Синглим МУНИСА! Сенинг аёллик, оналик шайнингни жин талаган. Соф севгингга хиёнат қилган, бевафога ачиқ қилиб ўз ширин жонингга қасд қилганинг менинг қалбимни ларзага солди. Эҳ, менинг тентак қизим, нималар қилиб қўйдинг? Нима учун ва кимга ачиқ қилиб, ўзининг машина остига ташлаб, майиб-мажруҳликкача бориб етдинг. Бундан кимга фойдаю, кимга жабр бўлди?

Яратган Аллоҳдан сўраганим, нурафшон кўнларни қуриш сенга насиб қилган бўлсин.

Ҳаёт қувончлари ва ташвишлари ҳар биримизга ҳамоҳанг. Муниса синглим, сенинг ачиқ қисматинг ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Аянчли тақдиринг қалбимни чуқур изтиробга солди. Ҳеч бўлмаса, фарзандларингизни уйласанг-чи. Уларда нима гуноҳ? Оила муқаддас. Зеро шундай экан, уни пароканда қилган, ўз оиласига хиёнат қилган кимса эртами кечми Аллоҳнинг қаҳрига учраши шубҳасиздир. Муниса, дарддан холи бўлсанг, муҳаббатнинг ҳурмати фарзандларингизни келажагини уйлаб, сабр-тоқат қилиб яратган эгамнинг марҳаматига шукр қилиб яша!

Мақоладаги «Ҳеч ким ҳайратланмади, ҳеч ким қачон шундай бўлган экан?» — деб сурамади. Хатто йўғэй... деб қўймади. Демак, ҳамма билиб, менга айтишмас экан-да, деган жумлаларни ўқиб, этим увишиб қаҳрим

келди. Нахотки, шунчалар бефарқу бемехрмиз.

Мунисанинг уйдагилар эрининг иккинчи хотини борлигини, хатто ундан фарзандлари борлигини билиб туриб билмасликка олишган. Нахотки, бунинг сир сақлашган бўлса. Ахир ойна этак билан ёпиб бўлмайдими-ку. Қайнона, қайин укалари ҳам шунча вақт сукут сақлашган. Ҳеч бўлмаганда ўз фарзандини бу йулдан қайтаришга қодир бўлмаган онанинг лоқайдлиги мени афсуслантирди. Ўз оиласи, севиқли рафиқаси-ю, дилбандининг қадрига етмаган эр ўзга аёлни бахтли қила олишига ким кафолат бера олади? Оила бахти — халқ келажаги. Шундай экан, ҳар бир оиланинг бахтли ҳаёт кечирishi учун биз катталар ҳам дахлдормиз.

Муниса, эринг эртами-кечми ўз хатосига тушуниб, қилмиши учун пўшаймон еб ўз оиласига қайтади, деган умиддан. Болаларининг бахтига соғайиб кет, синглим! Ҳали ҳаётда ҳеч нима қурмагандай бўлиб кетасан. Энг муҳими, ҳаётдан умидсизланма! Бировнинг оиласини бузиб, эрини ром қилиб олган уша сатан аёл беш кўнлик айш-ишратни, фароғатини уйлаган бўлса, у ҳаётда қаттиқ қоқилиб, тан жароҳати эмас, қалб жароҳатига мубтало бўлиши ҳаёт тақазоси. Халоллик, поклик, меҳр-оқибат, садоқат, ишонч, севиғи ва муҳаббат ҳеч бир оилани четлаб ўтмасин. Жамиятимизда оилаларимиз осоийшта ҳаёт кечирishi барчамизнинг қалб амримизга айланин. Умрингдан барака топ. Ҳамиша пок севгингга садоқатли бўлиб яша. Мен сен тарафдаман, МУНИСА!

А. ОРИПОВ,

Халқ таълими аълочиси

КЎЗАНИНГ ЯНГИСИ МАЪҚУЛ

Агарда мен Бобурнинг урнида бўлганимда Х.дан юз ўгириб орани ота-оналаримиз гувоҳлигида очик қилган бўлардим. Бобурнинг ҳозирги иккиланлиларини тушуна бўлади, чунки у аввалам бор Х.ни чинакамига севган ва унга ишонган. Севгини кўзи кўр бўлади деб шунга айтишса керак. Х. ўз вақтида Бобурни алдаб бошқа бир бойини топиб юрибди ва охири-оқибат уша бошқасини асл башараси очилиб, ноилоҳ ортга қайтиб Бобурдан кечирим сураган.

Агар Х. юрган йигит ҳийлакор бўлиб чиқмаганида, Х. албатта шу йигит билан қолган бўлар эди, бу бор ҳақиқат. Қизнинг Бобурни ёнига келиб ундан уэр сурашига фақат шу нарсасига яъни «алданганлиги» сабаб бўлган.

Қизни кечириб бўлмайди, деган ҳулосага келдим. Масалан, қизнинг мана бу сузларидан ҳар қандай одам узига ҳулоса чиқариб олади, деб уйлайман. — «Демак, мени пойлаб юрган экансиз-да? Тўғри, мен сизни севардим. Лекин у йигит менга сиз бермаган нарсани берди».

Агарда шу сузларни айтмаганида кечирса бўларди. Бобурнинг ўкаси тутган йўлни ҳам маъқуллашман. Агарда Бобур билан Х. турмуш қуриб бахтли кўнларни бирга ўтказишган тақдирда бир кун келиб Х.нинг кузига бойлик, олифталик яхши кўриниб Бобурга хиёнат қилиб, ҳаётлари бузилиб кетиши турган гап.

Менинг Бобурга маслаҳатим шунки, агарда у ўз қадрини, гурурини билса, қиздан воз кечиб, қалбидagi ҳис-туйғуларини, севгисини қанчалик қийин бўлмасин, енгиб ўтиши зарур ва унутиши лозим. Бобурнинг ёши эндигина 19га қирган, ҳали келажаги олдинда. Ёшига ёш қўшилиб борган сари узи ҳам бошқача фикр-мулоҳаза қилиб ҳаётни тушуниб боради. Инсонларнинг қалбидa бундай жароҳатлар кўплаб учраб туради. Лекин бунинг фақатгина вақт енгиб ўта олади.

Яна бир гап бор. Синган кўзани ямаган билан бир кун келиб шу ямоғидан бўлиниб кетади. Шунинг учун ҳам ўрнига янги кўза олгани маъқул, деб уйлайман.

Бобуржон, ана бир маслаҳатим онангиз билан маслаҳатлашинг. Чунки инсон учун ҳар доим биринчи галда тўғри йўлни курсатувчи, дардини енгиллаштирувчи ОНАдир.

Наргиза АҚРОМОВА,
21 ёшда Тошкент

ИБОЛИ ВА ДИЁНАТАИСИНИ ТАНЛАНГ

«МЕН ЭНДИ НИМА ҚИЛАЙ?» 40-сон

Бу мактубни оила даврасида ўқиб муҳокама қилдик. Бобуржоннинг «Мен энди нима қилай?» — деган саволига бир овоздан «у қизни кечирмаслиги керак», деган қарорга келдик.

Турмуш ўртоғимнинг фикрича, туйинг бир йилга кечитирилгани, яъни синов муддатининг қўзилганлиги Бобуржоннинг фойдасига бўлган. Акс ҳолда...

Мен ёшлигимда ўз бошимдан ўтган мисолни келтирмоқчиман:

Ишга янги қирган пайтларим, бир йигит «Сизга машина ҳайдашни ўргатайми?» — деди. Мен: «Йўқ, қизик-майман», деганимда атрофимдаги дўгонларим «Менга ўргатинг», деб унга ялинишди. У яна «Кинога билетим бор, келасизми?» деганда: — «Йўқ вақтим бўлмайди. Ойимга қарашадиган ишларим кўп» деганимда, бошқа қизлар «...а, бизни кинога олиб бориинг», — дейишган.

Хуллас, шу йигит бир кун турмушга чиқишимни сураб, «Онамни уйингизга юбораман», деганида, «Ўқишни тугатгунча узатишмайди, овора бўлманг» — дедим.

Бироқ, тақдир экан, у меҳнат таътилида эканлигида уйга тинимсиз келаётган совчилардан бирига ота-онам розилик беришиб, туйим бўлиб кетди.

У жуда хафа бўлиб: «У қандай йигит эканки, бировнинг яхши қурган қизига уйланади», — деди. Мен ушанда, — «Ана қанча қизлар сизга ўзлари гапиришади. Бир оғиз тақлифингизга йўқ, дейишмайди, сиз нима учун фақат менга умид боғлайсиз», — дедим. Йигит: — «Ҳозир менинг бўйнимга осилган шу қизлар эртага бошқасига енгиллик қилмайди, деб ким кафолат беради?» — деди.

Ушанда мен йигитларнинг енгил табиатли қизларга бир «уйинчоқдек» муносабатда бўлишларини, гурурли қизлар кеч бўлса-да, ўз бахтларини топишларини тушунган эдим. Дарҳақиқат, қиз бола ҳаёси билан гўзал. Сиз ҳам ибодли ва дивнатлисини танласангиз янглишмасиз.

М. МИРСАЙДОВА

ТАЪМАГИР ХОТИНЛАРГА ЙЎЛ БЕРМАСАК

Мадина Мухиддинованинг сеvimли рўзномамиз саҳифасида ёритилган «Кўёв чимилдиққа кирмади» мақоласини ўқиб чиқиб, ўзим аёл бўлганим боис, аёлдек сеvimли нозик қалб эгасига доғ туширган, бахт кечасини интиқиб қутаётган, кўёвнинг ўртоғидан кетма-кет пул сўраётган жувонларга нисбатан газабим ошиб кетди.

Уша таъмагир жувонга қўшилиб кўёвнинг ўртоғини мазаҳ қилган аёлларни аёл дейишга ҳам тилим бормаиди. Улар аёл эмас муҳаббатни, икки ёш бахтини қороз пулларга алмаштирган «даллолардир». 25 йилдан ортиқ хотин-қизлар иши билан шугулланган, кўп йиллик ҳаёт тажрибасига эга бўлган бир аёл, она, қайнона сифатида менинг юрагимдаги фикрларим тубандагилардан иборат.

— Келини кўёвнинг уйига одобли, ахлоқли турмуш тажрибасига эга бўлган, кўпни қурган, кўзи тўқ аёллар кўзатиб бурсалар, улар етти улчаб бир кессалар, қудалар кўёв-унинг яқинлари даврасида аввал уйлаб, кейин сузласалар, пул талаб қилиб таъмагирлик қилмасалар. Ана шундайларни кўёвнинг уйига жўнатишга маҳалла кўмиталари, хотин-қизлар кўмиталари, фахрийлар бош-қош бўлсалар кўнглидагидек бўларди... Бу долзарб мақолани кўмита фаоллари ўртасида кенг муҳокама қилдик. Мақоладагидек аянчли фожиаларга йўл қўймаслик тадбирини чораларини белгиладик. Бўлмагур иллатларга қарши курашсак, удум дея таъмагирлик қилган жувонлар учраб қолса, кенг жамоатчилик ўртасида, маҳалла-сида муҳокама қилиб, оилабўзар таъмагир сифатида жазосини берсак. Уйлайманки, рўзнома саҳифаларида ёритилгандек аянчли воқеалар содир бўлмасди... Қизда яъни келинда нима айб бор? У уша пул таъма қилган безбет аёлга ўргатиб қўймаганку? Уша иллатни уша жувонларни ўзлари тўқиб чиқарди-ку. Бунда қизнинг ота-оналарини ҳам, қизнинг ҳам заррача айби йўқ. Мен истардимки, кўёв йигит бунинг тўғри тушуна, ҳозир ҳам кеч эмас, келини ўз хонадонига олиб келса-да, Оила йилида ўз оиласини тикласа, барчамиз хурсанд бўлардик.

Раънохон Жуманиёзова,

Булоқбоши туман Ҳокимлиги бош мутахассиси

Табриклаймиз!



Хурматлон отаждони
Алиёр Нормуҳамидов!

Сизни таваллуд топган кунингизга 50 йил тулди муносибати билан муборакбод этаман ва сизга узоқ умр, соғлиқ-саломатлик тилайман, деб углингиз

Ўзбекистон
Республикаси ИИВ
Академияси тингловчиси
Чори Нормуҳамидов



Азим АЛИМОВ
Пайтуба!

Таваллуд айёмингиз мунорак! Оиламиз, фарзандларимиз бахтига соғ-омон юринг, қалбингиз қувончга тулсин, умрингиз узоқ бўлсин.

Умр йўлдошингиз
Фатхулло,
фарзандларингиз
Нурсултон, Исламбек



Азим
РУЗИМУРОВО ака!

Сизни таваллуд айёмингиз билан чин дилдан қўлайман! Дилингизда меҳру муҳаббатингиз асло кам бўлмасин. Аллоҳдан йилит бошингизнинг оқонлигини тилайман.

Рафикангиз Нафиса,
фарзандларингиз
Ойбек,
Санжар

Бувйжоним
ҚИЗМОН мома!

Сизни табаррук 80 ёшингиз билан табриклаймиз. Сизга соғлиқ, узоқ умр тилайман.

Неварангиз
Хусанжон

Қадри Фасридин
АДБИРАХМОНОВ!

Сени таваллуд топган кунинг ва Янги йил билан табриклаб. Отанг, онанг ва қариндош уруғларинг

Кўнларнинг бирида...

МЕН ОСМОНМАН, ЮЛДУЗИНИ ЙЎҚОТТАН...

Осмондаги жимир-жимир юлдузлар сеҳрли ва сирли, тилсим. Менинг болалиқдаги сирдош, суҳбатдош дўстларим, бунча гузалсиз. Сизга боқиб туймайман. Айтишларича, ҳар бир инсоннинг уз умр юлдузи булар экан-у, уша инсон бу дунёни тарк этса, юлдузи ҳам самони тарк айлар эмас. Ана ногоҳ бир юлдуз учди. Кимнингдир умр шамчироғи сунди.

Юлдузим... Сиз менинг кўнгил қошонамга нур тарагучи юлдуз бўлиб кириб келдингиз. Кириб келдингиз у умрим йўлларини уз муҳаббат нурларингиз билан ёритдингиз.

Естидошим, сирдошим, умр йўлларимдан елкадошим деб севдим, азизим, сизни. Севдим-у, уз бахтимдан, то-леимдан мағрур ва шод юрaverибман. Ёслайсизми, автоавария туфайли 18 кун ўлим билан олишдингиз. Бир дақиқа ҳам ёнингиздан жилмай қора тунларни, оппоқ то-нларга улаб парвардигорим-

га илтижо қилиб зор-зор йиғлаб сизга умр тилаб ҳар гал саждага бош эгар эканман, «парвардигорим, майли менинг умримни ҳам мен учун дунёда азиз бўлган инсонга бахшида эт», деб зорлардим. 18 кун мен учун бамисоли 18 йил бўлди. Бир кечада сулиган чечакдек бўлиб қолдим. Баъзан фарзандларимдан ҳа-бар олардим-да, сизни ўйлаб яёв кишлоғимиздан туман марказидаги касалхонага йўл олардим, ярим тунда бўлсин, қоқ тушда бўлсин ёнингизда пайдо бўлардим. Илк бор ҳушингизга келиб қузингизни очганингизда қанчалар қувонганимни билсангиз эди. Сизга шу қадар меҳру муҳаббатим қудратли экан-ки, сизсиз яшаш бу ёруғ оламда мен учун огир, жуда огир эди. Худога шукр, шу заминда оёқ босиб, ҳаётга бағримизга қайтдингиз, яна хонадонимизга сиз билан нурли юлдуз балқиб киргандан бўлди. Мен юриб эмас учиб, қуниб юрардим.

Аммо буларнинг барчаси

бир тушга айланди, қолди. Мен сизни юрагим тубида асраб минг улиб-тирилиб, минг бора айланиб ургилганларим, жонимни, умримни бахшида этганларим бугун қонли саробга айланди.

Сизнинг сохта севгингиз, ширин сўзларингиз артистона ҳаракатларингизга ишониб, юлдузингиз шуъласидан қуларим қамашиб, парвонадай чарх уриб юрaverибман-у, юрагингиз тубида уза юлдуз ёниб туришини билмабман, сезмабман ҳам.

Хиёнат не учун юракларни пора-пора айлаётган-у, сунгра қон-қон ютганларини қуриб уз галабангдан узинг шодланиб қаҳ-қаҳ отасан... Пок дилларни, ишонувчан юракларни уз захри қотилинг ила захарлайсан...

Сизга қанчалар ишонардим, қанчалар ардоқлаб севардим. Аттанг, аттанг. Сиз менинг ва беш нафар қора қўларимнинг меҳру муҳаббатига, садоқат-у вафосига, бир томчи қўз

ёшига арзимаيدиган, фақат узини ўйлайдиган инсон экансиз. Сизда бизни севиш нарийёда турсин лоақал инсоний заррача меҳр туйғуси ҳам йўқ эканига бугун ишондим. Бу биз учун аччиқ ҳақиқат — бор ҳақиқат эди.

Мен сажда қилувчи, ёлғиз ишонувчи парвардигорим олдида, марҳум онажоним руҳи поклари олдида шундай қасамёдни кўнглимдан кечирдим:

Сиз мен ва фарзандларимни зулмат кўйидаги қабрга тириклигини тупроқ тортиб қумган бўлсангиз, биз ҳам сизни ана шундай юрагимиз, кўнгил мулкимиздан сугуриб ташлашга қуч ва қудрат топа билдик. Бунинг учун парвардигоримга беадад шукрлар бўлсин.

Адолатли ҳукми узимга узим чиқардим. Мен осмонман — юлдузини йўқотган осмон.

Махбуба ОДИЛОВА

Бу турфа ранг оламнинг мўъжизаси қуп. Гоҳо ён-атрофингда юз берган воқеаларни қуриб, эшитиб ҳайратланмай иложинг йўқ.

Яқинда мен ҳам ана шундай ҳайратомуз суҳбатнинг шохиди бўлдим. Автобусда икки йўловчи аёлнинг суҳбати қўлгоғимга чалинди. Салонда йўловчилар кам бўлганлиги сабабли менга уларнинг гап-сўзлари бемалол эшитилиб турарди.

«Мен ҳеч бир иримчи эмасдим, — деди улардан бири. — Аммо, ҳаёт шундай эканки, гоҳо уз қарашларингизни узгариштириш ҳам тўғри келаркан. Биринчи фарзандим дунёга келгач, орадан бир йил ўтмай Аллоҳнинг инояти билан яна бўйимда бўлиб қолди. Оилавий шароитимиз огирлиги, моддий етishмовчиликлар туфайли боладан воз кечмоқчи бўлдим. Хўжайинимга айтсам, у киши ҳам шароитни тўғри тушуниб, фикримга эътироз билдирмадилар. Хуллас, бир тўхтама келдик.

Кўнлардан бир кун туш кўрдим. Тушимда катта бозор, икки-уч дугонам билан айланиб юрган эканмиз. Шу пайт қузим оппоқ, тийрак қўзли болага тушибди. Ичимдан унинг менга яқинлигини ҳис қилибман ва болага яқин бориб «Кел ўғлим

баб, анча вақтгача узимга келолмадим. Орадан кўнлар ўтди. Шу орада беҳоллигим кучайиб, бутун аъзои-баданим огриб, менга тинчлик бермай қўйди.

Касаллик баҳона, фарзанд ҳақидаги гап-сўзларга бараҳам берилиб, туғиш ниятим

ТУҒИЛМАГАН БОЛАМНИ КЎРИБМАН...

бағримга бир босай», дебман. У эса: «Аяжон, юринг тезроқ, кетайлик бу ердан», дебди. Бу сўзлардан таққа тўхтаб қолибман. Шу чоғ биздан сал нарироқда турган ўрта ёшдаги бир жувон унинг елкасидан оҳиста қўл билан улар биздан узоқлашиб кетишибди.

Шу жойда уйғониб кетдим. Фикрим тиниклашаркан, ҳаёлимдан гўдагим ҳали дунё юзини кўрган йўқ-ку, деган ўй ўтди. Туш са-

пайдо бўлди. Шу ўртада маҳалла фаоллари билан муқаддас қадамжолардан бири бўлган Баҳовуддин Нақшбандий зиёратгоҳига отландик. У ерда бир ҳафта бўлиб қайтдик. Бухорои шарифга биринчи боришим эди. Борган кўнимиз туш кўрдим: эмишки бир ҳовуч сиймо зарни дугонамга сотибман. Аммо, унинг сотиб олишга қурби етмагач, дарҳол қайтиб олибману, кўнлим таскин топибди. Шу кун

ТУШ ТАЪБИРНОМАСИ

эрта тонгда руҳим равшан ортиб, тонгни қутиб олдим. Назаримда, бу тун дардим аригандек эди.

Қўп ўтмай, оиламизда иккинчи фарзанд туғилди. Ишонмайсиз, худди уша тушимдагидек бўлиққина ўғил туғилди-ю, рузгоримизга яна ҳам қўп-барака кирди. Яхши ҳамки, ақли ноқислик қилиб боламни олдирмаган эканман. Ҳозир оиламизда асосан шу фарзандимиз огиримизни енгил қилмоқда», — дея ўз сўзини яқунлади ҳалиги аёл.

Қўп ўтмай манзилга етиб келдик. Мен ўй томон борарканман, беихтиёр ҳалиги суҳбат ёдимга тушиб, фарзанд деганлари жигардан бунёд бўлади, деган гапларнинг ҳақиқат эканлигига бутун борлиқни яратган Тангрининг нақадар буюклигига ич-ичимдан иймон келтирдим.

Фарида,
Тошкент вилояти

Шайхонтоҳур ва Яқкасарой туманида барча қўлайликларга эга бўлган ҳовли

СОТИЛАДИ.

Тел: 55-27-23.

ҚЎЛИНГИЗ ДАРД КЎРМАСИН

Иссиқ жон иситмасиз бўлмайди. Яқинда неварам Мухлисахон касал бўлиб қолди. Уни Тошкент шаҳар Юнусовда тумани худудига қойлашган болалар клиник шифохонасига олиб бордик. Мухлиса шу ерда ётиб даволанди. Тез орада соғайиб, дард қурмагандек бўлиб кетди. Бемор қизимизнинг саломатлигини тиклашда меҳру муруватларини дариг тутмаган Осие Аллимова, Наргизахон, Каримахон ва Гулчехрахон сингари шифокорларга оила аъзоларимиз номидан миннатдорчилик билдираемиз. Ҳеч қачон қўлларини дард қурмасин!

Гулчехра ТОШХЎЖАЕВА

Ўғитиома

ОСМОНГА

ТУФАЛАСАНГ...

Бароққош бошлиқ даврда ким йўқ бўлса бас, ушани сабаб-бесабаб ёмон-лайверарди. Ҳар гапини «Падарингга лаянат» билан бошлаб, «Падарингга лаянат» билан тугатарди.

Эрталаб бир ходим ҳам-хонасидан аста суради: — «Падарингга лаянат» борми?

С. БОБОМУРОВА

Маслаҳатхона ОТ ЁҒИ

Кўпчилик отахонларимиз тенгқўрлари билан сузлашаётганда:

— Менда отнинг 40 йиллик ёғи бор, деса яна бошқалари: — Менда 30 йиллик ёғи бор! — дейишди.

Қулатишларимдан аён бўлдики от ёғи қанча эски бўлса, шунча қуввати ортар экан.

Қўп-оёғи увишадиган ҳар қандай ёшдаги инсон эски от ёғидан уша жойларга кечки пайт сурдириб, устидан хитой қозони ураб, кейин эски-туси билан боғлаб қўйса, тана керакли от ёғини тортиб олади, ортиқчаси эса хитой қозонда қолади.

Шу йўл билан ҳатто фалажларни тўзатса бўлади.

Айниқса от ёғини эзнинг жазирара кўнларига одам баданига уч-тўрт бор сурса, қўш бўйи бўладиган баъзи шомоллашлар олдини олади, грип деган нарсадан узоқ бўлади. Бадани кучга тулиб, унча-мунча касалликларга йўлқўмайди.

Ҳар бир хонадонда ҳеч бўлмаганда 200 граммлик от ёғи эритиб солинган шиша идиш бўлса, бир оила учун ун йўл-лаб хизмат қилиши мумкин.

Янги от ёғини, балки эскисини ҳам гушт дўконларидан шу кўнларда топиш мумкин.

Саидмурод САИДАҲМАД

Олийгоҳни тамомлаганимдан кейин қишлоғимиздаги мактабга ўқитувчи бўлиб ишга жойлашдим. Ота-онам орзу ҳавас билан ўғлимни уйлантираман, деб йиққан мол-давлатини мени фотиҳамга зарфлашди. Улар мени қариндошимизнинг қизи Гул...га уйлантиришга қарор қилишди. Ота-онам шу қизни муносиб топишибди, деб мен ҳам рози бўлдим. Гул... билан биринчи... ва сунгги маротаба суҳбат қурдим. У менга маъқул бўлди. Совчилар бориб ҳаммасини ҳал қилиб, маҳалла-қуйга овоза бўлганидан кейин оғайниларим бу ишимдан норози бўлишди. Бўлмади, бошқа қизга

уylan, деб туриб олишди. Ушанда мен оғайниларимнинг гапига кирганимда, балки бугун бошимни болишга уриб ётмаган бўлармидим?!

ҚАНДАЙ ҚИЛИБ БОШ КЎТАРИБ ЮРАМАН?

Улар бир нимани билиб гапиришган экан. Узимнинг виждонли эканлигимни курсатиб қўйиш учун: Йўқ, бировнинг қизи уйинчоқ эмас, мен энди шу қизни оламан, — деб туриб олдим.

Тўй тараддуди билан юганимда қариндошларим нохуш хабар келтиришди. Менга фотиҳа қилинган қиз «қизлик» бўлибди. Мени шайтон нималарга бошламади. Са-

бр қаноат билан ҳаммасига бардош бердим. Эҳа, қанча гаплар, насиҳатлар ортиги билан бўлди. Пешонамда нималар ёзилган бўлса ҳаммасини

тақдиримдан кураман, ҳақиқатдан ҳам пешонам шур экан. Қишлоғимиздаги тенгдошларимга изза бўлдим. Дарҳол қиз томонга юборган биринчи тўйнинг нарсаларини қайтариб олдим... Бу воқеадан кейин оила қуриш шунақа бўлса уйланмасдан утаман, деган хулосага келдим.

Уртоқларимни икки-уч фарзандли бўлганини кўрган ота-онам, яқинла-

рим мени ўртага олиб насиҳат қилишди. Орзу-ҳавас билан иккинчи бор Мат... исмли қизнинг уйига совчилар боришди. Қиз томон ҳам рози бўл-

гач Мат... 1998 йил 12 ноябрь куни бизни уйимизга келин бўлиб келди. Афсуски, биз тўйимизнинг эртасигаёқ ажрашишга мажбур бўлдик. Не кўз билан кўрайки Мат... номусиз чиқди.

Пешона бир хил бўлар экан. Наҳотки, ота-онамнинг, менинг орзуларим бир умр ушалмаса. Ахир айбим нима? Менинг ота-онам бойвачча эмаски, кунда келин туширгани.

Дил изҳори

Нима учун Мат... қадмини уйлаб босмаган. У қилган гуноҳидан, бир йигитни умрини хонавайрон қилиб қўйганидан заррача афсусда эмас. Азизлар, бу азобларга йигитлик гурурим бардош бермаяпти-ку.

Сингилжонлар! Қадамларингни уйлаб босинглар. Камбағалнинг баҳтига зомин булмангизлар. «Йигит йиғламасин дунёда», — деб шоир бежиз айтмаган... Мен энди эл-юрт орасида қандай бош кўтариб юраман?

Маслаҳатларингизни интизорлик билан кутаман. Акс ҳолда...

И.
Сурхондарё

БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ

ЖОН АЧЧИГИ

«Конибодом—Душанбе» поезди Сариосиё темир йўл божхона маскани ходимлари томонидан текширувдан ўтказилганда Ҳ. Имомовага қарашли 200 литр дизел ёқилғисининг «сири» фаш бўлди. Ноқонуний равишда Тожикистон Республикасига олиб ўтилатган бу ёқилғи давлат фойдасига мусодара қилинди.

«Мол аччиғи, жон аччиғи», деганича бор экан. Бойликдан айрилган тижоратчи Ҳ. Имомова эндиликда узини қўярга жой тополмай юрибди.

БОБУРНИНГ БОШИ ГАРАНГ

«Гишт куприк» чегара божхона маскани ходимлари қозғис-тонлик Бобур Снекибоевни юртига кузатаётиб ҳар эҳтимолга қарши унинг «турва халтаси»ни текшириб қуришни унутишмади. Турва халтадаги турли ёруғлик лампалар, клей сингари 11 минг сўмлик ашёлар ноқонуний равишда республикамиз ҳудудидан ташқарига олиб чиқиб кетилаётган экан. Энди божхоначилар Бобурнинг бошини гаранг қилишмоқда.

ЧАККИГА — ДАККИ

Учқургонлик Гуломжон Турдибоев бир тангани минг танга қилмоқчи эди. Шу оис ҳам қарамоғидаги уч бош қора молни Қирғизистон Республикаси ҳудудига олиб ўтиб сотмоқчи бўлди. Лекин 4-сонли «Учқургон» божхона маскани ходимлари бунга рухсат беришмади. Қора моллар давлат фойдасига мусодара қилиниб, Ғ. Турдибоевга 1100 сўм жарима солинди. Чаккига — дакки деб шунга Ле керак-да!

ЭСИ ПАСТ ЭЧКИ

Ҳасан Нурматов билан Аким Максимов машинадаги юклар орасига 4 бош эчкини ҳам жойлаштирган эди. Юк ортилган машина «Сўх» божхона масканида текширувдан ўтказилиб, жўнаб кетиш арафасида эди. Кутилмаганда эчкилардан бири маъраб юборса бўладими? Бу ҳолдан хангу манг бўлиб қолган божхоначилар қайта текширув ўтказишди.

Шундай қилиб эси паст эчки эгасига панд берди. Ҳозирча эчкиларга божхоначилар эга чиқиб туришибди.

«ЖИП-ЖИП, ЖЎЖАЛАРИМ»...

Илгариги пайтда курки товук етти-саккиз кунда жўжа очиб чиқарди. Ҳозир эса курки товуклар инкубаторларда электр нури ёрдамида соат сайин кўпайтирилмоқда. Тўхумдан чиққан жўжалар ҳўроз ёки макиёнга ажралмасдан туриб «табака» қилинмоқда. Бу ҳам бўлса фантехника тараққиёти, илгор технологияни ишлаб чиқаришда кенг жорий этилаётганлигининг самарасидир. Қолаверса, товук гушти парҳез таом. Шу боис аҳоли уртасида бу парранда маҳсулотига талаб ва эҳтиёж кучли.

А. Эгамбердиев ҳамюртларини янги йил арафасида «табака» билан сийламоқчи эди. Шу мақсадда у 36 минг сўмлик товук гуштини Республикамиз ҳудудидан олиб чиқиб кетаётганда «Гишт куприк» чегара божхона маскани турига илдинди. Энди А. Эгамбердиев «жип-жип, жўжаларим» қўшиғини айтиб юрган бўлса ажаб эмас.

Комил ТОШ,
Мухтор БЕК

ҚАРАНГ-А!

ЎҚИГАН КЕЛИН ҚИДИРАЯПМИЗ

Аваллари совчиликка келганлардан қиз томон йигитнинг насл-насаби, касб-корини обдон сураб-суриштиришарди. Ҳўш, ҳозир ҳам шунақа, нима қилибди, дерсиз балки. Афсуски, ҳозир бунинг акси бўлиб борапти. Ишонмасангиз бир мисол келтирай. Яқинда бир танишим жиянини уйлантирмоқчи эканлигини айтди. Мен қўшимизнинг яхшигина қизини таклиф қилдим. Қиз ҳам, оиласидан билар ҳам ёқди. Лекин, ҳадеганда совчилардан дарак бўлавермади. Орадан анча вақт ўтгач танишимни учратиб қолиб сураган эдим:

— Узи жияним ишламайди, устига-устак сен тоглан қизнинг ҳам қўлида «документи» йўқ экан. Эртага опам билан поччамга ортиқча даҳмаза бўлади-ку?

— Ундай бўлса нимага жиянингни уйлантирмоқчисизлар?

— Йй-э, сен қизик экансан-у, у тенгилар иккитадан болали бўлишди-ю, нега уйлантирмас эканмиз?! Ахир ундан кейин ҳам иккита уйлантириб чиқариладиган укалари бор. Ҳарна тезроқ биттасидан қўтулишгани яхши-да.

— Ота-онасига боқиманда бўлибди-да, тўғрими?

— Нега энди, мана шунинг учун ҳам ўқиган келин қидираяпмиз-да.

— Жиянингнинг касб-кори йўқлигини?

— Э, ҳозир қайси йигитнинг сен айтгандай касб танлаш, ўқишга тоқати бор. Ўқиганлари ҳам тижоратчилик орқасидан яшаётган бўлса?!

«Қизим битта боласи билан қайнона эшигида қўри бўлиб, эрини топганига қараб утирмасин», деган ота-оналар эса нима қилсаям қизини ўқитяпти. Мисол учун ҳамширани келин қилсанг, икки кунда бир «дежур» қилиб қолган кунда вақтда уйдаги юмушлар билан шуғулланади. Энг муҳими маоши вақтида, газ, сув, светга пул тўламайсан. Шу воқеадан кейин узоқ уйланиб қолдим. Келин олаётганларни кузатдим.

— Неча марта гувоҳ бўлдимки, ўқиган ёки бирор хўнара эгаллаган қизларнинг «бозори чакон» экан.

Қизик, илгарилари кўпчилик ўқиган қизни келин қилишдан қочарди. Энди эса ақсарият одамлар келин олишдан аввал айнан шунисини суриштиришарди.

Қадимги удумларга қўра қўёв бўлмиш йигитларни ақл-фаросат, кўчқувват томондан синаб қўрилган. Албатта, уйланишда йигитнинг хўнарали эканлиги ҳам муҳим ҳисобланган.

Ёки яқин-яқингача ҳам қиз томондигилар бўлажак қўвни армияга борган-бормаганлигига қараб розилик билдиришарди. Булардан қўриниб турибдики, ҳамма вақт бугунги йигит эртанги оила бошлиғи саналиб келган. Ва шундай бўлиб қолиши ҳам керак эди...

Табиатан аёл киши эркакка нисбатан бироз нозик, нафосатли ва энг муҳими чидамлироқ яратилган. Балки шунинг учун ҳам унинг зиммасига тўғиш азоблари-ю, адоқсиз уй юмушлари юклатилгандир. Эркаклар тўғри тушунишин-у, бу билан уларга осон дейиш фикридан йироқман. Албатта, эркакларнинг ҳам узига яраша масъулиятлари бор. Менимча, бу масъулиятнинг энг биринчиси оила боқиш ва уни оқилона бошқаришдир. Ҳамма гап эса ана шу нарсани ҳис қилишда?!

Маошларнинг нари борса бир қоп ундан ортиги ёки шунини ҳам неча ойлаб ололмаслик, «эрини тоганига қараб утирайми, харна озгина ердан», деб олди-сотиб билан шуғулланаётган аёлларнинг елиб-югуриши айрим эркакларда мана шу хисларни сундиргандай, назаримда.

Оилада отанинг уғилга тасири кучли бўлади. Ана шунданми, ҳозир суриштирсангиз уйланиш ёшидагиларнинг қўплари ишсиз, ҳўнарсиз. Айтмоқчиманки, йигитлар касб-хўнарсизлигининг салбий оқибатлари оила қўрандан кейин яққол қўзга ташланаяпти. Аниқроғи қўп ҳолларда ишсиз қўёв билан ўқиган келиннинг турмуши узоқ давом этмаяпти. Ишонасизми йўқми, баъзи оилаларнинг бўзилиш сабаблари ана шу илдишларга бориб тақалади.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги аёлларимиз ҳар қачонгидан ҳам оғирроқ юкни сабр-тоқат билан енгишга интилишяпти. Лекин баъзи оилаларда эркакларнинг йиллаб ишламаслиги оддий ҳолга айланиб қолмаяптими? Зора, «Аёллар йили»да қадрли эркакларимиз ўз гурурларини курсатсалар, оила боқиш эканликларини эслаб, рўзгор ташвишларини енгишда, фарзандлар тарбиясида ўз аёлларига ердан берсалар. Яна бир гап: айрим енгилликларини дега келин олиш менимча маънавий қашшоқлашиб қолганларнинг ишидир. Сиз нима дейсиз, азизлар?

Шахзода АКБАРОВА,
Наманган вилояти,
Янгиқўрган тумани

Кўз ёшим керакмас, аямай
Қанча дорларинг бор,
Бироқ гурурингни не учун букай,
Мен энгилдим, қайтгин,

Қалбимдай титрайди,
Гоҳ осмонман, гоҳи тупроқ —
Нетайки, мен сендан кўпроқ
Мен энгилдим, қайтгин,

Майли жим кунимни, дилимни
Қанча керак, шунча қилавер
Басдир аччиқ тилинг
Мен энгилдим, қайтгин,

Куйганларнинг сўзи ёдга
«Ишқда ким энгилса, голиб
Кунлар соғинчимга соғинч
Мен энгилдим, қайтгин,

Кўзим ёшдан эмас,
Кўзимнинг ёшига тойрилма,
Билмайин оҳ урдим, билмай
Кетавер, ортингга

Шамолмас, зорланган, зорлар
Меники,

Сиртмоги бўш турган дорлар
Бошларга ёғилган қорлар меники,
Кетавер, ортингга қайрилма,
Баҳор.

Сўз излаб яшадим, сўзинг
Гоҳ қувонч, гоҳида
Бир хазон япроқман,
Кетавер, ортингга қайрилма, баҳор!

Қизғалдоқ очилган
Хазонрез келмаган
Сен гуллар эгаси,
Кетавер, ортингга қайрилма, баҳор.

Яримта кўнглимга тўла олмайсан,
Олис юртлар ошиб кела
Менинг яшаш фаслим
Кетавер, ортингга қайрилма, баҳор!

Ҳофизлар куйлайди,
Бошимга тушганин
Доналар ҳеч гапни билмай
Нима эккан бўлсам ўшани урдим.

Меҳр кўргазмайн, меҳр сўрадим,
Нодонлик рўмолин қандоқ
Нечун муросага келмадим сен-ла,
Бошимни ханжарга ўзим

Кўрдимки, дарз кетиб бўлди
Қулади кўксимда тик ўсган терак.
Қайси уста ямар синган кўнглини,
Эндиги пушаймон кимга ҳам

Бу тун менмас, ғамнинг тили
Бийрондир,

Утар эдим, булбулларнинг
Уқ тегди, оҳ қайси шўх шан
Ўзиб кетдим, бешиб кетдим
Яраландим муҳаббатнинг

Пешонамдан жон та-
лашиб терлар оқар,
Юрагимдан қон та-
лашиб шеърлар оқар,
Кўзларимдан қатра-
қатра дурлар оқар,
Яраландим муҳаббатнинг

Усиз кунлар дилда чандиқ излар
Баҳор, ёзим бир
Ҳолу ҳаттим ўзгаларга
Яраландим муҳаббатнинг

Куйдим, ёндим, эй ишқ, менда
Жабру зулм бўйинг борми,
Менга деган биттагина
Яраландим муҳаббатнинг

Вох, бу ўқинг излари-я, алам
Дафтар тўла оҳларим-у
Сирдошларим қоғоз билан
Яраландим муҳаббатнинг

Пораландим муҳаббатнинг

СЎЗ ИЗЛАБ ЯШАДИМ, СЎЗНИНГ МУЛКИМАН



Орзуим тиклаган уй вайрондир.
Деразамнинг олдидаги ўрикнинг,
Новадлари гуллаб олмай
хайрондир...

Назм дафтаридан

Не иши бор экан, менда
Баҳмалдай товланиб
Жилловини куйиб қўйсан,
Қўлимдан тортади сенга

Фамларимни қувар феруза
Парку булутларни кучгим
Баҳорнинг бўйидан
Хаёллар ортидан учгим келади.

Ногоҳда суюнсам шамшод
Япроқлар яйрашиб чапак
Тўлқинлар ёприлиб келар
Кўзим ёш тўкканин билмай

Кушчалар эркини қилади
Мен етмас ҳовлига
Майин қанотига ёзгим
Узрлар сўрагим келар ёлвориб.

Баҳорни кучоқлаб
Кўз ёшлар ювман завқини,
Йўлингга кўз тутиб
«Менга ким куйибди сохта

ХОСИЯТ БОБОМУРОВА

(Боши ўтган сонларда)

Таманно хона эшигининг гўйқил-
лаб очилиб-ёпилганини эшитдию,
угурилиб қарамади.

У эрталабки нонуштага берилган
ширғурчдан бир-икки қошиқ қуқила-
ган, лекин озги бемазалиги, ишта-
си йўқлиги, боши луқилаб оғриёт-
гани учун қолганини тумбочка чети-
га суриб қўйиб, яна деворга утирил-
ган куйи, худди уриб дабдаласи чи-
қариб ташланган одам каби бемажол
ётарди. Унинг шу топда жуда чекки-
си келар, аммо бир чимдим уша огу-
ни қаердан топишни, кимдан сураш-
ни билмай боши қотган, узи ҳам
сезмаган ҳолда халатининг чўнтақла-
рини, бурчак-бурчакларни тимири-
лаб чиққан, тополмаганидан кейин
паришон бир аҳволга тушиб қолган,
шу лаҳзаларда алланечук тушқун
кайфиятда, қарахт бўлиб ётишининг
боиси ҳам шунда эди.

Таассуфки, оппоқ чойшаб тағида
илондек тўлғониб ётган ана шу оп-
поқ гузал ва дурқун вужуд аллақа-
чонлар наша ва қорадори аталмиш
оғуға урганиб қолган, бу офатикон
жувоннинг узи бунни ҳарчанд рад
этишга, уни эсламасликка уринса-
да, вужуди ундан кечаолмас, томирла-
рида оққан қон гоҳ қотиб қолгандек,
гоҳ жазаваси тутиб фаввора янглиғ
отилиб чиқиб еруққини қонга белаб
ташламоқчидек туюларди. Таманно
шу топда эшикнинг очилиб-ёпилиши-
га этибор бермаганининг биринчи
сабаби унинг ана шу ҳолати бўлса,
иккинчидан у хонасига қирган одам
хамшира бўлса керак, деган ҳаёлга
бордию, индамай ётаверди.

Лекин, «Маликаки дилором ором
олаётган эканлар-да!» деган хирқироқ
товушини эшитдию, беихтиёр бошини
буриб эшик томонга қаради ва бутун
вужуди тоқ ургандек сесканиб кетди.
Унинг тепасида иккита беғона эр-
как турарди. Таманно дафъатан улар-
ни қаерда қурганини эслаб-ёлмади.
Уларнинг аллақадерлари танишдек
туюлар, аммо шу сонияда бунни хо-

тирлайдиган аҳволда эмасди.

— Ие, хонимни безовта қилиб
қўйибмиз-ку?! — урисчалаб деди эр-
каклардан бири пихиллаб кулиб.

— Сизларга нима керак? — деди
Таманно устидаги чойшабни бўйингача
тортиб.

— Бизга сен кераксан, жоним,
— деди чорпахилдан келган, тақамуйов-
ли йигит унга яқинлашиб.

Таманно уридан қўзғалмоқчи эди,

Эркин УСМОНОВ

АЖАЛ ХИЁБОНИ

(Саргузашт мистик қисса)

йигит бармогини бигиз қилиб шивир-
лади:

— Ет!.. Қимирлама!..
Таманно бақирмоқчи, ёрдамга ча-
қирмоқчи бўлди, лекин томоғи қуруқ-
шаб, тили худди танглайига ёпишиб
қолгандек товуши қийматганини сез-
ди ва аранг шивирлади:

— Мен сизларни... танимайман..
— Кузингни шира босиб қолган ку-
ринади, — деди тақамуйов унинг те-
пасига келиб. — Яхшилаб эслаб кур!

Таманно унинг ишшадек ялтираб
турган совуқ ва қўқинчли кўзларига
кузи тушдию, ғира-шира эслагандек
бўлди. Бу турки совуқ йигитнинг ис-
ми... янглишмаса, Махмуд эди. Ҳа, ҳа,
аниқ Махмуд!.. У баъзан Азаматнинг
даврасидаги йигитлар орасида пайдо
бўлиб қолар, баъзан бир неча ойда
йўқ бўлиб кетарди. Уни «Қора Махмуд»
деишарди.

Анавиниси, эшикка қўз-қулоқ бўлиб
турган патила-патила сочлари елкаси-
га тушган, калта соқолли, тилла гар-
дишли кўзойнақ тақиб олган йигит ҳам
жуда таниш... Тухта, тухта-чи!.. У «Мо-

роз»-ку, ахир! Аниқ, уша! Санкт-Пете-
бургда «Нептун» меҳмонхонаси ёнида
уни кутиб олиб, юқларини хонасига
элтиб қўйиб, Азамат бериб юборган
қўғирчоқни ёстиқ жилдига солиб гоёиб
булган ва эртаси кун катта шоколад
кутичаси тўла доллар қолдириб кетган
сирли меҳмонхона хизматчиси-швейцар
Мороз!.. Худди узи!..

Нима қилиб юришибди улар бу ер-
да? Қаердан пайдо бўлиб қолишди?

— Хуш, эсладингми, ойимқиз? —
тилла кўзойнаги тепасидан қараб ис-
техзоли жилмайиб куйди Мороз.
— Эслайди, эслайди! — хунук тир-
жайди Махмуд Таманнога бошдан-оёқ
қуз югуртиб. — Хусни-жамоли, фигура-
си ҳам... — у Таманнонинг чойшаб та-
ғида очилиб қолаётган тикмачдек
болдирларига имо қилди. — Оёқлари
ҳам... эси ҳам жойида!

— Сизларга нима керак? — товуши
титраб кетди Таманнонинг.

— Нима кераклигини жуда яхши би-
ласан! — Таманнонинг қаровати ёнида-
ги стулга омонатгина чўқди Махмуд ва
боши тепасига энгашиб, — қачон бу
ерга келиб қолдинг?

— Билмайман, — чойшабни бўйни-
гача тортиди Таманно.

— Лейтенантга нималар дединг? —
яна илондек вилилади Махмуд.

— Хеч нима, — бош чайқади Таман-
но.

— Эслаб кур! — унинг кўзларига еб
юборгудек тикилди Махмуд.

— Хеч нима демадим..
— Унда нега уйингни эшигини
муҳлаб, исковучлар қўйиб қўйиш-
ди?

— Бунисидан хабарим йўқ..
— Артистга нима бўлди? Ким уни
улдирди?

— Билмайман..
— Биласан, қанжик! Гапир!

— Хеч нимани билмайман!
— Унда нега ментлар ини бузил-
гандек ғимирлаб қолишди?

— Булардан хабарим йўқ. Худо
ҳаққи, мени буларга алоқам йўқ! —
Елкалари силкиниб йиғламсиради
Таманно.

— Алоқанг борми-йўқми, билма-
дим, лекин уқлаб ётган илонни
уйғотиб юбординг!

— Нима деяпти у? — урисчалаб
суради Мороз.

— Хабари йўқмиш! — унга урис-
чалаб жавоб берди Махмуд ва Та-
маннонинг устига энгашиб. — Унда
биз билан кетишинга турри кела-
ди..

— Мен ҳеч қавққа бормайман, —
гуҳанак бўлиб олди Таманно.

— Борасан!

— Йўқ..
— Унда узингдан кур, мочағар! —

деди Махмуд ва елкаси оша Мороз-
га имо қилди.

Мороз чаққонлик билан чўнтаги-
дан чарм қулпоқ чиқариб қулларига
кийди.

«Нега ҳеч ким келмаяпти? — хаё-
лидан кечди Таманнони. — Нега ҳеч
ким қирмавати? Қичқирсаммикан?!»

Йўқ, у шу топда худди илонни
қуриб, қотиб қолган бақага ухшаб
қолган, ранги девордек оқариб, оз-
зи қуруқшаб бутун вужуди дағ-дағ
титраб турарди. У қичқиршга оғиз
жуфтладию, лекин улгуролмади. Мо-
рознинг совуқ, чайир бармоқлари
бўйинига чирмашганини қуриб қула-
ри даҳшатли олайиб кетди. Махмуд
унинг оёқ-қулларини босди..

(Давоми бор)

Ош ва жамият

Мақолада келтирилган фа-
ктлар, воқеалар, матуломатлар
учун муаллиф жавобгар ҳисоб-
ланади.

Муаллиф фикри тахририят
нуқтаи назаридан фарқ қили-
ши мумкин.

Қўлёзмалар таҳлил қилин-
майди ва муаллифларга қайта-
рилмайди.

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Телефонлар :
Бош муҳаррир - 133-28-20
Котибият - 34-86-91
Эълонлар бўлими - 136-56-52

МАНЗИЛИМИЗ
Тошкент- 700000,
Амир Темура кўчаси,
1-тор кўча, 2-уй.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Манзил Тошкент, Буюк Тўрон кўчаси, 41- уй.
Босишга топшириш вақти - 20.35.
Босишга топширилди - 21.15.

Ҳомий
«Матбуот тарқатувчи»
акциядорлик жамияти

Обуна индекси - якка обуначилар учун 176
ташкilotлар учун 177
Рўйхатга олиш № 33
Буюртма Г- 029
25100 нусxada чоп этилди.
Формати А-3, ҳажми 2 босма табоқ,
Чоршанба кунлари чиқади.
Баҳоси эркин нархда.
Навбатчи Н. АННАЕВА